

● Барча куч ва техникани гўза парваришига сафарбар этайлик. ● Бирор картада ҳам бегона ўт бўлмасин. ● Ҳашаротга қарши курашда мавжуд техникадан, ишчи кучларидан тўла фойдаланайлик. ● Гўза соғлом ва бақувват бўлиб ўссин.

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ҲАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

5 июнда Тошкент область партия комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўрди. Ўртоқ Б. М. Истомин бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум ушбу область партия комитетининг иккинчи секретари вазифасидан ва область партия комитетининг бюро аъзоллигидан озод қилди.

Пленум ўртоқ В. В. Окунскийни область партия комитетининг иккинчи секретари ва область партия комитетининг бюро аъзоси қилиб сайлади. Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мудирин Г. М. Орлов қатнашди.

ХАЛҚ СОҒЛИГИ— ЮРТ БОЙЛИГИ

Кеча область партия активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш ишида шаҳар ва район партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари шаҳар ва район ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудирлари, йирик даволаш муассасалари ва медицина-санитария бўлимлари

бош врачлари ҳамда партия ташкилотларининг секретарлари, шаҳар ва район соғлиқни сақлаш бўлимларининг бош мутахассислари, шаҳар ва район санитария-эпидемиология станцияларининг бош врачлари, область медицина муассасалари раҳбарлари ва партия ташкилотларининг секретарлари, йирик санавот корхоналари ва совхозларнинг директорлари, колхоз раислари, медицина хо-

димлари насаба союзулари шаҳар ва район комитетларининг раислари иштирок этдилар. Актив йиғилишида область партия комитетининг секретари Б. А. Абдуразақов КПСС XXIV съезди қарорлари асосида халқ соғлиқини сақлашда партия раҳбарлигининг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида доклад қилди. Йиғилишда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. (Йиғилиш иши ҳақидаги тўла ҳисобот газетамизнинг навбатдаги сонидан эълон қилинади).



Оржоникиде районидagi «Правда» колхозида пилла топшириш қизгин. Йўлчибой Султонов бошлиқ звено ҳаркути пилладан 100 килограммдан ошириб ҳосил топширди. Суратда: лаборантка Қодирова Йўлчибой Султоновдан янги ҳосилни қабул қилиб олмақда. С. Махов фотоси.

ИЛРОР ПИЛЛАКОРЛАРГА «ХУРМАТ ТАХТАСИ» ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетининг қарори билан «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларида давлатга 1972 йилги пилла сотиш планини муддатидан илгари бажарган колхозлар, совхозлар, районлар учун «Хурмат тахтаси» таъсис этилди.

«Хурмат тахтаси»га район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари, пиллачилик область бошқармаси ва област статистика бошқармаси тавсияси билан мусобақа илрорлари ёзилди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА
ПИЛЛА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ
ИЛ 5 ИЮНГАЧА БУЛГАН
МАЪЛУМОТ

(Процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — маъсум бошдан бер.		
Бекобод	11,1	104,3
Янгийўл	15,7	79,3
Бўёқ	21,4	77,2
Оқдўғон	19,4	74,0
Ўрта Чирчиқ	18,9	65,9
Оржоникиде	13,9	54,1
Калинин	16,3	54,4
Охангарон	19,2	50,6
Юқори Чирчиқ	14,7	92,1
Бўстонлиқ	14,5	19,2
Пискент	18,7	48,0
Область бўйича:	16,5	61,9

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайерлаш йиллик планини муддатидан олдин бажарганликлари учун кўйидагилар область «Хурмат тахтаси»га ёзилдилар.

Бекобод райони (район партия комитетининг секретари З. Мақсумов, район ижроия комитетининг раиси Э. Ҳатамов, бош пилла кўретиш идорасининг директори Р. Абдуллаев, бош агрономи Ш. Жумаков ўртоқлар). Район 114,7 тонна ўринга 119,6 тонна пилла топшириб, планини 107,3 процент бажарган. Пилдан ташқари 20 тонна пилла топшириш мажбуриятини оиди.

БЕКОВОД РАЙОНИ БЎЗНИЧА
Ленин номи колхоз (раиси Х. Ҳамрақов, партия ташкилотининг секретари В. В. Хан, пиллачилик бригадасининг бошлиғи Қ. Курбонов, комсомол ташкилотининг секретари Ф. Шукророва ўртоқлар). Пилдаги 19900 ўринга 25395 килограмм пилла топшириб, планини 127,6 процент бажарган. Колхоз пилдан ташқари 7 минг килограмм пилла топширишга қарор қилди.

2-«Далварзин» совхоз (директори Қ. Қозоқбоев, партия ташкилотининг секретари Н. Жабборов, комсомол ташкилотининг секретари Д. Маматкулов, пиллачилик агротехники Қ. Эгамназаров, ишчилар комитетининг раиси Д. Жалилов ўртоқлар). Совхоз 6620 ўринга 10054 килограмм пилла топшириб, планини 151,9 процент бажарган. Пилдан ташқари 5 минг килограмм пилла топшириш мажбуриятини олган.



2-«Далварзин» совхозининг далаларида гўза қатор ораларига ишлов бериш қизгин. Суратда: тракторчи ўртоқ А. Қариев. А. МАЛЫЦЕВ фотоси.

19-ЙИЛ
ЧИҚИШИ

№ 110 (4569).

6

ИЮНЬ
СЕШАНБА

1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

БЕКОВОД райони пиллакорлари улкан ғалабани қўлга киритдилар. Улар областда биринчи бўлиб, пилла тайерлаш планини муваффақиятли адо этдилар.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, район меҳнатчиллари бу йилги об-ҳаво қилинчилликларини мардонавор еттиб, пилла кўрети боқини тамунали йўлга қўйдилар. Тут баргилар раионал фойдаландилар. Кўрталарини нобуд бўлишига йўз қўймадилар. Шу билан бирга уларнинг тезда пилла ўрашига эришдилар.

Пилла кўретиш боқинида жуда кўп тақрибли пиллакорлар актив қатнашдилар. Кесалар ҳам бу ишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Инақ кўрети боқинида биноклар белгиланган иссиқликда бўлишига эришилди. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир

БЕКОВОДЛИК ПИЛЛА- КОРЛАР ҒАЛАБАСИ

хўжаликда пилла боқини яхшилаш, ҳосилдорлигини кўпайтириш.

Инақ кўрети боқинида Ленин номи колхоз аъзоларининг қўшган ҳиссаси катта бўлди. Улар ўтган йилгидек бу йил ҳам зўр ғайрат кўрсатишди. 360 кўти кўрт ўруғидан 80—90—100 килограммдан ҳосил олишга эришдилар. Пилла ҳосиллини йиғиштириб олишда қўшимча ишчи кучлари сафарбар этилди. Натикада йиллик план беш кунда ошириб бажарилиди.

2-«Далварзин» совхозини коллектив ҳам пилла топшириш планини муваффақиятли адо этди.

Райондаги Ойбек ком. 4. 1. 3-«Далварзин» совхозлари, Шунингдек Навоий номи, Деяринский номи, «Победа» колхозлари ҳам пилла тайерлаш планини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти қўлашди.

Районда пилла тайерлаш планини 8 иш кунда адо этилди. Пиллакорлар эриштирилган ютуқларини мустақамлаб, пилдан ташқари махсус дот топшириш ва давлатга ҳа/масини бўлиб 135 тонна пилл/етказиб бериш учун ас/тидил курашмоқдалар.

3. ХАТА/ОВ. Меҳнаткашлар депутат/ари Бекобод район Советининг/раиси.

ЧЎЛҚУВАРЛАРНИНГ ЮКСАК ҲИММАТИ

Ўзбекистон Компартияси

Пахтакор районининг меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, ўтган йили пахтачилини ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда талайгина муваффақиятларга эришдилар. Пилдан 45 минг тонна ўринга давлатга 65 минг тонна, яъни плангидан 20 минг тонна кўп пахта топширилди. Ҳосилнинг 87 проценти пахта териш машиналарида териб олинди. 1972 йил учун юксак мажбуриятлар қабул қилинди.

Кўридаги Пахтакор районининг меҳнатчилари оқтирилган тақрибига таяниб, мавжуд резервларнинг ҳаммасини ишга солишга интилиб, олинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажариш юзасидан қонирет амалий тадбирлар ишлаб чиқарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети кўридаги Пахтакор районининг меҳнатчиларининг пахта етиштиришини кўпайтириш ва ҳосилни қўл меҳнати ишлатмай машинада териб олиш юзасидан

Марказий Комитетида

1972 йил учун олинган социалистик мажбуриятларнинг бажариш борасида ишлаб чиққан амалий тадбирларини маълум қилди.

Область, район партия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг бошлангич партия ташкилотларига Пахтакор районининг пахтакорларининг тадбирларини кенг муҳокама қилиш ҳамда шу асосда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ишларни механизациялаш даражасини ошириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун ташкилотчилик ишлари қизитиб юбориш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика ва област газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоташтириш давлат комитетига республика қишлоқ хўжалик меҳнатчиларининг социалистик мажбуриятлари қандай бажарилаётганлигини батафсил еритишни топширди.

Пахта етиштиришни кўпайтириш ва ҳосилни қўл меҳнати ишлатмай машинада териш юзасидан 1972 йил учун олинган социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан қўриқдаги Пахтакор райони меҳнатчиларининг тадбирлари

фатли култивация қилишни, суғоришни, ўғитлашни ва чеканка қилишни.

— ҳар гектар ерда етарли миқдорда гўза туллари бўлишини, ҳар бир тул гўзада энг кўп миқдорда юксак бўлишини таъминлайдилар.

Механик-ҳайдовчилар, ремонт ишчилари, мутахассислар ва хўжаликларнинг раҳбарлари пахтаини машинада теришга тайёрларкин даврида:

— 900 та пахта териш, 150 та кўрак узиш машинасини, тўқилган пахтаини тарадиган 200 механик-подборщикни ва етарли миқдордаги юк ташини тракторларини, шунингдек пахтаини қоп-қанорез ташийдиган аралашарини 20 августгача ремонтдан чиқариб, шай қилиб қўйдилар — машина теримини ҳамда терим техникасига далада техника хизмати кўрсатишни ва уни ремонт қилишни ташкил этиш соҳасидаги илгор тақрибларни ўргатиб оладилар.

Совхозларнинг бригадирлари, мутахассислари, раҳбарлари гўза бағрини ўз вақтида, сифатли тўқтиришни, теримга тушушдан аввал даладаги бегона ўтларни юлиб ташлашни ва машина айланадиган жойларни техника, тайерлаб қўйишни таъминлайдилар.

Йиғим-терим ишлари ўтказиш даврида:

— Механик-ҳайдовчилар ҳар бир машинада ўрта ҳисобда 90 тонна пахта териб берадилар, теримнинг юксак сифатли бўлишини таъминлайдилар, пахта ва кўсаннинг ерга тўқилиб қоллишини имкон борича камайтирадилар.

— тўқилган пахтаини териб берадиган механизмлар ва кўрак узиш машиналарининг ҳайдовчилари гўзада қолган ва ерга тўқилган бутун пахтаини қўл меҳнати ишлатмай механизмлар ёрдамида териб берадилар ва далаин бутунлай тозалайдилар;

— соловчи слесарлар, инженерлар ва техника техника хизмати ўз вақтида ўтказадилар, терим агрегатларидаги

нуқсонларни тез тузатиб, уларнинг узлуқсиз ишлашини таъминлайдилар.

— агрономлар ва совхозларнинг раҳбарлари машина терим сифатини кун сайин қатъий контроль қилиб турадилар, меҳнаткорларнинг ишда энг яхши кўрсаткичларга эришишига имкон берадиган меҳнат ва турмуш шароитларини муҳайе қилиб қўйдилар.

— пахта ташийдиган механизаторлар ва тайерлов пунктларининг ходимлари бунгэр — арава — тайерлов пункти конвейерининг аниқ ва тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлайдилар.

— умумий овқатланш, савдо, маданий ҳодимлари даладагиларга ҳамхўрлик ва меҳрибонлик қилдилар, уларга энг яхши маданий-маърифий шароит яратиб қўйдилар.

Район партия комитети билан бошлангич партия ташкилотлари хўжаликда партия раҳбарлиги салисини ошириш учун қўйидаги тадбирларни белгилдилар:

— социалистик мусобақани ривожлантириш соҳасида коммунистларнинг ҳосил учун курашида авангардлик роли таъминланади. Коммунистнинг ўрни — далада, унинг энг муҳими бурчи — намуна ва ибрат бўлишдир.

— шунга эришилсинки, гўза парвариши ва пахта терими даврида тутилаётган ҳамма янги ва қимматли тақриблар дарҳол ҳар бир меҳнатчилнинг мўлғига айлантирилсин;

— социалистик мусобақада эришилган натижаларини йиғиллаш ва ундан ҳамма хабардор қилишнинг ҳамда ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириб, мусобақанинг доимо кўнайиб ва кенгайиб билишига қўмақлашадиган бўлишнинг мунтазам системаси вуҷудга келтирилсин;

— кишилар билан олиб бориладиган сиёсий-оммавий ишлар соҳасида шундай қилинсинки, 196 та дала шийоинининг ҳар бири пахтакорнинг ишдаги ўзига хос партия ташкилотини учун эса КПСС XXIV съезди қарорларини пропаганда қилиш ва пахтакорларини беш йилликнинг юбилей йилидаги мажбуриятларини сўзсиз бажаришга сафарбар қилиш марказига айлانسин;

— 800 агитатор, сиёсий ахборотчи, сиёсий доқладчи ва лекторларнинг ҳар бири партия сибасининг актив тарғиботчис бўлисин, қонкрет иш учун — мўл пахта ҳосили етиштириш ва уни фақат машинада териб олиш учун жавабгар бўлисин;

Советларнинг, комсомол, касса союзи ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини активлаштириш соҳасида — уларнинг район меҳнатчиларини қабул қилган мажбуриятларни бажариш айдига иши аниқ, пахта ва оператив бўлишига эришилад.

Пахтакорликлар пилдан ташқари пахта етиштириш ва ҳосилни шаҳарликларнинг, студентлар ва ўқувчиларнинг ёрдамисиз, фақат машинада териб олиш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб, ваъдаларига вафо қилиш учун бутун кучларини сарфлайдилар. Биз ўз олдимизга қўйган қийин вазифанинг удрасидан чиқамиз.

Бизнинг республикадаги барча пахтакорларга айтадиган сўзимиз шунки, бизнинг хўжалигининг синари ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир районда пахтачиликни юксалтиришнинг фойдаланимлай ётган резервлари бор. Бу резервларини шу йилнинг ўзидаяқ ишга солиш — партия XXIV съезди қарорларини бажаришга қўйилган энг яхши ҳисса ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига энг яхши соғва бўлади.

ТАДБИРЛАР ПАХТАКОР РАЙОНИДАГИ ҲАММА БРИГАДАЛАРНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИДА, БАРЧА СОВХОЗЛАРДА ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИЛГОРЛАРИНИНГ КЕНГАШИДА МУҲОКАМА ЭТИЛИШ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

ЮГОСЛАВИЯ СОЦИАЛИСТИК ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ, ЮГОСЛАВИЯ КОММУНИСТЛАР СОЮЗИНИНГ РАИСИ

НОСИП БРОЗ ТИТО МОСКВАГА КЕЛДИ

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия Коммунистлар Союзининг раиси Носип Броз Тито КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг тақдирига буюн расмий визит билан 5 июнда Москвага келди.

Югославия Социалистик Федератив Республикасини ва СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромда Носип Броз Титонин рафиниси билан, унга ҳамроҳ бўлган партия ва давлат арбобларининг КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев,

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катухев, бошқа расмий кишилар самийини ва дўстона кутиб олдилар.

Аэродромда ҳозир бўлган Москва меҳнаткашларининг вакиллари ўртоқ Носип Броз Титонин қизгин қарсақлар билан кутиб олдилар.

(ТАСС).

Санкизиначи чақириқ

Ўзбекистон Олий Совети учинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси шу йил 8 июнь эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлис залида очилди. Депутатлар 7 июнь эрталаб соат 10 дан кеч соат 8 гача ва 8 июнь эрталаб соат 9 дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлис залида рўйхатга олиндилар.

Янги шеърлар Дўстлик Разади

Кўргани ўз ҳолатини дўстларим кўзга менга
Рост эрур, кўзга ҳолат сўзламас ўру менга.
Қай бирин кўрсам камолни мен камолот касб этиб,
Қай бирин эгудга кўрсам, шу эрур эгу менга.
Қай бирин бахт кўрсаб олса, кўрсаб олмай бахт менга,
Бўлсалар тили шунда келгай кечалар уйку менга.
Итигулар мисли сабза чин меҳр офтобига,
Меҳр чашми кўзларидан соғали ёғду менга.
Кўрмасам соғинтирулар энг ширин туйғу каби,
Туйғунича созу суҳбат айламоқ орау менга.

Муҳаммаджон ҚўШОҚОВ.

ОХАНГАРОН БАҲОРДА

Тоғи кўкни ўнган бу юрт,
Афсонави «Шаҳри Барқут»
Винолар жармар, ёқут,
Ҳеч ариас барака-қут
Охангарон,
Охангарон,
Охангарон туяроғи зар,
Дарёдан тоғиди гаҳар,
Не мадан де, бағрида бор,
Қат-қат кўнлар ҳали бисёр.
Охангарон,
Охангарон,
Атир ҳиди ақир богдан,
Қўн-қўнлар энэр тоғдан,
Меҳоби дер: «Бир
қаймоғдан!»
Кўнгил узам, соз чорбоғдан,
Охангарон,
Охангарон,
Охангарон ажиб днёр,
«Дукент» деган кишолар бор.
Тўрт томон ҳам майсарор,
Меҳмон бўлдим, мен неча
бор,
Охангарон,
Охангарон.


Кўз олдимда тоғлар ўласи,
Яшнаб турар ажиб бир
виқор.
Кўйлариди муҳаббат рақси,
Ел эсди майин, беозор.
Ел эсди гўбориш, тини,
Олиб келар ялғиз ҳидини.
Ҳар янғорда кўраман аниқ,
Мен баҳорнинг нозик
дидини.
Телмураман эгу ўй билан,
Баҳор тинмай хониш қилади.
Фариштадек оппоқ кийиниб,
Ўрик шохни ёниш қилади.
Билмаб баҳор интизор
кимга;
Унинг кўрки дилга пайваста.
Далда бериб илҳақ
қўнғилмга,
Эркалайди, қўйлайди аста.
Санобар ИМОМОВА.

ОНА ШАҲРИМ

Гулга тўла бўстоним, Тошкандимсан, Тошкандим,
Юрта катта қарвоним, Тошкандимсан, Тошкандим,
Дўст-қардошлик шаҳрисан, озо, Шарқнинг фаҳрисан,
Ҳар эл азиз меҳмоним, Тошкандимсан, Тошкандим,
Ҳар оқшомнинг бир сайил, таърифига долдир тил,
Туғу-қун чароғоним Тошкандимсан, Тошкандим,
Ҳар кунда янги сурат, ҳар кун янги иморат,
Кундан-кун фаровоним Тошкандимсан, Тошкандим,
Сафда қадамнинг илдам, ишнинг қойил олам,
Хур маконим, давроним, Тошкандимсан, Тошкандим,
Қўш орден ол байроқда, машҳурсан Иттифода,
Кўксидидаги шишоним, Тошкандимсан, Тошкандим,
Ҳар нагча мафтоз ойдир, меҳру кўрнинг эъзодир,
Сенсан шарафим-шоним, Тошкандимсан, Тошкандим,
Тургун ХАЛИЛОВ.

Ленин районидagi Ц-7 кварталда замо-
навий усулда қурилган янги поликлиника
ишга туширилди. Бу даргоҳда беморлар ва
врачлар учун барча шарт-шароитлар мав-
жуд. Турли кабинетлар медицинанинг энг
сўнгги ютуқлари асосда тайёрланган асбо-
буналар билан жиҳозланган. Суратларда:
поликлиниканинг умумий кўриниши. Физио-
терапия кабинетида.

И. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.



БОБИРНИНГ НОДИР РИСОЛАСИ

Ўзбек халқининг истеъдодли фарзанди, улғу шоири ва элими, саркарда ва атоқли давлат арбоби Захриддин Мухаммад Бобир асарлари ўзининг мусикийлиги, равлонлиги ва тилининг ҳозирги замон ўзбек тилига яқинлиги билан китобхоналаримизнинг ақили дусти бўлиб қолган. Унинг бадий юксак ғазалларига басталанган кўшиқлар эфир тўлкинлари орқали ҳар кун хоналаримизга файз киритиб, дилларимизни ҳушуд этади, туйғуларимизни секрлайди.

Халқимизнинг севимли шоири Бобир бадий асарларидан ташқари, «Бобирнома», «Муслик илми», «Ҳаёб ишга қабл кўп бе-баҳо илми асарлар ҳам яратган. Бундай асарлари орасида айниқса унинг ўзбек арузи назарисига оид «Мухтасар» рисолининг шухрати тилдан-тилга кўчиб юрарди. Аммо, унинг бу рисолидан ўрта Осиё халқлари ҳақидагина маҳрум эди. Бобирнинг «Мухтасар» рисолининг борлиги ҳақида баъзи маълумотлар бўлса ҳам, шу вақтга қадар шарқшунос олимларимиз эътиборидан четда қолиб қолган ва илм аҳлига маълум эмас эди.

1968 йили профессор Хамид Сулаймон Англия ва Францияда қилган илмий савари натижа-сида маърузи асарини Париж миллий кутубхонасида сақланган ягона кўлемаси билан танишиб чиқди ва унинг микрофильмини Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи фондига олиб келди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу асарини микрофильм Ленинграддаги Шарқшунос институтида ҳам сақланган экан. Бобирнинг аруз ҳақидаги рисолиси

1561 йил июнь ойида Хожки Муҳаммад Самарқандий томонидан кўчирилган нодир кўлемаси нусхаси асосида Хамид Сулаймоннинг масъул муҳаррирлигида биринчи бор ақида нашр этилди. Бу ноб асарини нашрга Саидбек Хасан таяйлаган. Шунингдек, Саидбек Хасаннинг «Бобирнинг «Мухтасар» асари ҳақида» деган мақоласи рисолининг кириш қисми ўрнида берилган. Бу мақола китобхоналари рисолининг ўзбек шеърлиги назарисини ўрганишдаги муҳим роли, асар яратилган давр, асар кўлемасининг кўчирилиши ва топилиши тарихи ҳақида китобнинг ушбу нашрига оид қимматли маълумотлар билан таништиради. Жумладан, мақолада айтилишича, биринчи бор турк олими М. Фуат Купрулзоданинг бир мақоласида Бобир «Мухтасарининг» кўлемаси Париж миллий кутубхонасида сақланган 1934 йилда хабар қилинган. Совет матбуотида «Мухтасар» ҳақидаги дастлабки маълумотлар Мақсуд Шайхзоданинг «Кўшиқлар ҳақида» номи мақо-ласида эслатиб ўтилган. Мақсуд Шайхзода Париж кутубхонасида сақланган Бобирнинг аруз рисо-ласи кўлемасининг 340 хижрий йилда Хўжа Мухаммад Самарқандий томонидан кўчирилган нусхасини тасдиқлай бир воқеа билан маълум бўлганини хабар қил-ган.

Бобирнинг «Мухтасар» рисо-ласи икки йирик бобдан иборат. Аввалиги боб руқи ясовчи ҳижо-лар ва уларнинг навълари руқи-лар ва эҳқофлар, баҳрлар ва ди-рларга бағишланган. Асарнинг

иккинчи энг йирик боби вази ва таъти тушунишга бағишлан-ган.

Бобир «Мухтасар»да арузнинг янги-на бир баҳри борлигини са-наб ўтади ва уларнинг ҳар бири устида мукаммал тўхталди. Баҳр-ларнинг бир-бирига яқинлиги ва ўхшашликлари нукта назаридан арузшунослар доиралар қабул қилинган. Рисолада 9 доира кел-тирилиб, унинг янги навълари ку-рсатилади. Бобир ўзи янги доира иштиро қилиб, уни назарий ва мисоллар келтириб исботлаб бе-ради. Шунингдек у ўзбек шеърли-гига қўйилган янги аруз баҳрла-рининг кўпгина янги воқи, эҳқоф ва фойрларини аниқлайди. Бундан ташқари, рисолада XIV—XVI ас-рда яшаб ижод этган 60 дан ортиқ шоир номи эслатилади ва улар-нинг асарларидан парчалар кел-тирилади. Сўз бошида муаллиф ана шулар ҳусусида қимматли фикрлар юритган.

Китобдан рисолининг ўзбек графикасидаги тўлиқ транслитери-цияси, факсимил наشري билан бирга илҳам ва кўрсаткичлар ҳам ўрин олган. Рисола арузшунос-лар, адабиётшунос ва аруз илми билан қизиқувчи кенг китобхона-лар оммасига мўлжалланган бў-либ, Москвадаги 5-босмахонада икки минг нускада чоп этилган.

Бу ноб кўлеманинг нашр ки-линиши гоёт қатта аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, адабиётимиз уфқини еритувчи чароғон юлдуз-лардан битирини қайта тугилиши ҳамдир.

М. ГАФОРОВА,
З. МУҲАМЕДОВ.

ОЛ БАЙРОҚ ОСТИДА

4 июнда Оққўрғон райони марказидаги спорт майдонига ўзгача файз кирди. Майдон те-варатида ол байроғу қардош республикалар байроқлари ҳил-лаша, кўзни қувонтиради. Ат-роф байрам киефасида. Одам-лар бу чехрасида шодлик барқ уради. Бу бежиз эмас, область байрами биринчи бор «Ашула байрами» ўтказилмоқда. «Ашу-ла байрами»та иштирок этувчи бадий ҳаваскорлар тўғарак-лари оқини биринчи-кетини кар-на-сурий остида спорт май-дони томон оғиб келимоқда...

Микрофондан кўш орден-ли Тошкент области донг-дор меҳнаткашлари билан шўҳ-рэт қозонган область райо-нали мадди таралди. Спорт май-дони дарвозасидан мотоцикл-лар қолонсан кириб келди. Эн-г олдиндаги мотоциклга СССР байроғи ва герби ўрнатилган. Ундан кейинги мотоциклларга ҳамма қардош республикалар байроқлари қадалган. Улар спорт майдони теваригини уч марта айланиб чиқишга, раг-беранг байроқлар кўтариб олиш-ган байрам иштирокчилари ки-риб келишди ва спорт майдони марказига ўрнатилган саҳна то-мон йўл олишди. Иштирокчи-тиз кишиндан иборат ҳар бир қолонда шаҳар ва район ва-киллари — энг яхши меҳани-затлар, саноат илгорлари бор — улар ҳам бадий ҳавас-корлар тўғарига аъзолари.

Спорт майдони марказида СССР ол байроғи, унинг агро-фини қўшаб қардош республи-калар байроқлари ҳиллирайди. Саҳнанинг ҳар иккала томони-да яна ранг-баранг байроқлар. Саҳнанинг орқа фониди «Ашу-ла қўшида ва қўшида бизга мададқордир» деган шнор ўз-бек ва рус тилларида ёзиб қў-йилган. Олд томондаги қизил алвонда эса, Лениннинг «Санг-ат—халқини» деган сўзи ки-ши диққатини ўзига жалб эта-ди.

«Ашула байрами» ташкилий комитетининг раиси, Тошкент область ижроия комитети раи-си ўринбосари С. А. Раҳмату-жаева қисқа нутқ сўзлаб «Ашу-ла байрами»ни очди.

Байрам байроғини бадий ҳаваскорларнинг аъзолари, область ва республика кўри-ларининг лауреатлари, Юқори Чирчиқ район Кўйишев номи колхоз аъзоси Кундуз Адам-боев, Қаддини район «Партия XX съезда» колхоз аъзоси Раҳматулли Эгамбердиевлар кў-тарди.

СССР ва Ўзбекистон гим-на-ли янро этилди.

Шундан кейин «Ашула бай-рами» иштирокчиларининг чи-қиши бошланди. Ҳар бир ба-дий ҳаваскорлар тўғаригининг чиқиши томошабинлар томони-дан қизғин кутиб олинди. Ўз навабда улар ҳам ўз санъат-ларини томошабинларга етқа-зишга, намоиш этишга ҳара-кат қилишди. Ўзбек халқ раиси куй ва қўшиқлари билан бир қаторда рус куй ва қўшиқла-ри, украин, татар, қозоқ, ко-рейс, молдован сингари қардош халқлар раиси намоиш этилди. Қўшгана чиқишлар юқори савияда ўтди. Айниқса, Содиқовлар оиласининг чиқи-ши томошабинларда яхши та-

ассурот қолдирди. Гулзода (7-синф ўқувчиси), Шохзода (5-синф ўқувчиси), Дилдора (3-синф ўқувчиси) Содиқовлар «Олтин сандиқ» ашуласини ма-роқ билан айтди. Уларнинг акаси Алишер Содиқов эса куй чалиб турди. Оққўрғон мада-ният бошқармаси хизматчиси Садима Шокирова фарзандла-ри орасидек санъат шайдои эканликларини кўрсатдилар. Умуман, ашула байрами ишти-рокчилари орасида истеъдодли ҳаваскорлар кўп экан. Жюри қўлиларини аниқлагач, уларга Г-даражали ва II-даражали дип-ломлар ҳамда қимматбаҳо сов-галар тақдим этилади.

Ол байроқ остида ўтган, шон-ли СССР 50 йилнинг тўйига бағишланган бу «Ашула байра-ми» шодна тус олиб, мароқ-ли ва уюшқонлик билан ўтди. Унга Ўзбекистон халқ артисти Фазлиддин Шамсидинов бош дирижёрлик қилди ҳамда жюри раислиги вазифасини ўтади. Бош режиссёри Мансур Саъ-дуллаев.

«Ашула байрами»да область партия комитети секретарлари Б. А. Абдуразақов, Н. И. Ма-лихиялар иштирок этишди.

М. ЭРГАШЕВ.



Суратларда: юқорида: Юқори Чирчиқ район «Партия» колхоз коллективи қорейсча «Еллинг билан ўйин» рақсини ижро этиш-моқда. Пастда (чапдан ўнгга): Бе-кобед шаҳар 9-маттаб хори Д. Зо-кированинг «Ешлик қўшиғи»ни куйлашмоқда. Янгибўл район ма-даният уйи ҳаваскорлари Т. Ўру-нов ва Н. Шариповлар «Гулли-сия» лаварини ижро этишмоқда. А. Абалия фотолари.

„ҲЕЧ НИМ ҲЕЧ ҲАЧОН УНУТИЛМАЙДИ“

Яқинда Калинин районидagi Хамза номи 2-маттаб ўқувчи-лари Улғу Ватан уруши қат-ташчилари билан учрашдилар. Уруш ветеранларидан Махмуд Розиков, Нозим Эмомов, Самғи Содиқовлар ёшларга жанг хоти-рларини сўзлаб беришди.

Учрашувнинг иккинчи қисми яна ҳам қизиқарли бўлди. Унда миктабининг 6 ва 8-синф ўқу-чиларидан ташкил топган

«Шодлик» ва «Табассум» ко-мандалари ўртасида «Ҳеч ним ҲЕЧ ҲАЧОН УНУТИЛМАЙДИ» ма-взасида ўқир эҳқонлар мушо-раси бўлди.

Кеча охирида ўқувчилар ҳу-зурига меҳмон бўлиб келган шоирлар янги шеърларини ўқиб беришди. Кириб қиллоқ Совети маданият уйининг бадий ҳа-васкорлари концерт қўйишди.

М. ИУДИШЕВА.

ЗАРБДОР ДУЭТ

«Пахтакор» футболчиларининг кейинги ўйинларида Абдураҳимов — Лисковский дуэтнинг зарб-дор кучи аққол сезилмоқда. Бу икки тақрибли футболчи бир-бирларининг ҳаракатини яхши тушуниб, ҳал қилувчи зарбалар беришда яхшироқларини намоиш этишмоқда. «Текстильщик» билан бўлган ўйинда ҳам ҳужум-ларини мана шу икки ўйинчи яқуллашверди.

Иваново футболчилари мавсум бошидан буён ҳали бирон марта ҳам галабага эришганлари йўқ эди. «Пахтакор» меҳмонлари Тошкентда ўзбек футболчиларига айтарлиқ қаршилик кўрсата ол-мадилар. Шунга қарамай, ҳисоб-ни очиб аяча қийин бўлди. Ко-манданинг хавфли вазиятлар хо-сал қилса ҳам, улардан ҳамон нуғул фойдалана билмадилар.

Биринчи тўп 11 метри штраф зарбасидан қилинди. Уни 27-минутда Абдураҳимов муваффа-қиятлик бажарди. Тапафурса чи-қиш арасида Лисковский ҳисоб-ни 2:0 га етказди. Иваново-ликлар «Пахтакор» дарвозасида биринчи бор турган Влади-мир Филатовнинг хатосидан фой-даланиб, 53-минутда жаъоб тўпи киритишди. Навоийнинг «Зарф-шон» командасидан ўтган ёш дарвозабон ортсича ҳажвола-ниб, бир неча хатоларга йўл қўй-ди. Лекин команданингнинг ак-тивлик билан ҳаракат қилиши унинг ишларини бирмунча енгил-лаштирди. 61-минутда Абдураҳ-имов зарб билан тўпни дарвоза-га йўналиштириб, ҳисобни оширди. Шунинг билан тўпни дарвоза-га йўналиштириб, ҳисобни оширди. «Пахтакор» учун бахтли дақиқа бўлди. Харьковда бўлган ўйин-да ҳам, «Шинник» билан учра-шувда ҳам ана шу минутда пах-такорчилар тўп киритишган эди. «Текстильщик» дарвозасига яна бир тўпни 75 минутда Лисковс-кий киритди. У Кузьмин ўрнига майдонга тушган ёш ҳужумчи Федоровнинг ҳужумини усталик билан охирига етказди. Ҳисоб 4:1

тўп киритишга муваффақ бўлди. «Горпедо» — «Звезда», «Помир» — «Динамо» ўйинлари бир хил (4:0) ҳисобда тугади. Яна бир етакчи команда — «Шахтёр» (Донецк) эса, ўз майдонига 1 оч-ко олиш билан қийналди. Қончилар «Уралмаш» билан 1:1 ҳисобда дурани ўйнадилар. Шу ҳисоб «Автомобилист» — «Крилья Советов» ўйинида та-корланди. Бу қўйишмаларнинг мавсумдаги унвиги дурани эди. «Крилья Советов» ҳали бир оғир марта ҳам мағлубиятга уч-рамаган ягона коллектив бўлиб турибди. Икки ўйинда меҳмон-лар галаба қилишди: «Кривбасс» — «Черноморец» — 1:2; «Метал-лург» — «Нистру» — 0:1. Икки ўйинда майдон ағалари биттада тўп киритиб, иккитадан очко оли-шди: «Олга» — «Металист» — 1:0; «Спартак» — «Шахтёр» (Қараганда) — 1:0. Ашхобод-нинг «Строитель» коллективни ўй-индан сунг энди ютуққа эриш-ди. У «Шинник»ни қабул қилиб, 3:1 ҳисобда етди. Бу учра-шулардан кейин турнир жаъдал-да командалар қўйидагича жойлашдилар:

КОМАНДАЛАР	Т	О
Горпедо К.	11	21-3
Пахтакор	12	16-9
Помир	12	15-10
Шахтёр Д.	12	16-6
Черноморец	10	21-10
Спартак К.	12	15-14
Шахтёр Қ.	11	12-9
Кр. Советов	11	11-10
Звезда	11	8-9
Шинник	11	11-13
Олга	12	10-8
Автомобилист	11	12-12
Металист	12	12-14
Кривбасс	11	13-18
Строитель	12	14-22
Металлург	11	12-14
Нистру	10	5-12
Динамо Л.	11	8-16
Уралмаш	11	10-16
Текстильщик	11	8-23

Энди «Пахтакор» футболчилари Запорожье, Кривой-Рог ва Ду-шанбе стадионларида ўйнайдилар. Уларни қарийб бир ойдан сунг Тошкентда кўраимиз.

С. МУСАЕВ.

ОЛИЙ ЛИГАДА

Олий лига футбол коллективла-ри ўртасида Тбилиси даимоқла-ри билан «Заря» 14 тадан очко тўплаб олдинда бормоқда. Кучли-лар даражасида сўнгги турда бўл-ган ўйин натижалари қуйидагича: «Локомотив» — «Спартак» — 1:2; «Динамо» (Киев) — «Дина-

мо» (Москва) — 0:1. «Заря» — СКА — 1:1. «Нефть» — «Кай-рат» — 0:0. «Карпати» — «Ди-намо» (Тбилиси) — 0:0. «Дина-мо» (Минск) — «Зенит» — 2:0, ЦСКА — «Торпедо» — 1:0, «Днепр» — «Арарат» — 0:0.

Реклама

БА Элонлар

ТВ

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА
12.30 да — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КўРСАДАИ
17.35 — Кўрсатулар программаси.

Рус тилида: 16.00 — Ҳужумчилар учун — Писинерлар шон-шухрат эстафетаси. 18.40 — «Бўш вақтларда». «Светфор» астрала ансамблининг концерти. 19.29 — «Ахборот» — информацион программаси.

Ўзбек тилида: 19.35 — Ранг-ли телевидение. Бир антер теат-ри. Ойдин Хожиева, «Келинча», 20.05 — Халқ контроли экрани, 20.35 — «Ахборот» — информацион программаси, 20.50 — Чолгу куй-ларидан концерт, 21.35 — Киш-лоқ хўналияги билимлари теле-визон халқ университети. Эко-номика факультети, 22.30 — Жиниот ва жаъоб (бадий филм-нинг 2-серияси ўзбек тилида), 00.10 — «Ер хўналиялари» (хуж-жалли фильм рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
17.50 да — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КўРСАДАИ
22.00 — КПСС XXIV съезди ка-рорлари — ҳаётга «Яшия бой-лигимиз» (Ўзбек тилида), 22.20 — Рендма.

22.30 да — Москва кўрсатади.
УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КўРСАДАИ
Рус тилида: 20.00 — «Поэзия ва музика (шоирлар), 20.30 — НОТ — Ўзбекистон музикачиларида, 21.00 — «Бўрилар ва қўйлар» (ба-дий филмнинг 1-серияси).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИН ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ-ДА — 7/VI да Хорезмшахнинг бо-лим юрти ўқувчиларининг кон-церти (қундузи). Севилья сарта-тораш.

МУСКИЙ НОМИН ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/VI да Амоб саздолар, 8/VI да Ёшлинда берган кўнгул, 9/VI да Лама.

КИНО

ҚИШКИ ВИНОДА
Ромео ва Жульетта (2 серия) — «ЧАНКА», «СПУТНИК», «КОМСО-МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (қундуз ва кечқурун).

Республика мули — «ЎЗБЕ-КИСТОН», «ЎЗБЕКISTON» 25 ЙИЛЛИГИ, «ДРУЖБА» (қундуз ва кечқурун).

Запасдаги офицер — ХАМЗА номли (қундуз ва кечқурун).

Польша альбому — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9 да).

Уч мушкетер — САНЪАТ СА-РОНИ (қундуз ва кечқурун).

Эш Грено — «КРКЧА» (қун-дуз ва кечқурун).

Кор маликасининг юрши — «МОСКВА» (кеч соат 9.45 минут).

КЕРАК

ТОШКЕНТ ХЛАДОКОМБИНАТИГА (Воровский кўчаси, 6-уй)
МОРОЖЕНОЕ ФАБРИКАСИ ВА ВАФЕЛЬ СТАКАНЛАРИНИ ПИШИ-РИШ ЦЕХИДА ишлаш учун аёл ишчилар (ишба ҳақ тўланади), газ-электр пайвандчилари ва 5-разрядли тоқар (вақтбаи — му-корот ҳақ тўланади), юк ташув-чилад

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кў-часи, 4-уй, аҳолини ишга жой-лаштириш ва информация ки-лиш бюроси ҳамда район жи-рон комитетлари ҳузуридаги инсепторларга улашсин.

Фулом ХОНИВЕРНИ

вафот этганлиги муносабати билан ҳузур таъзия наҳор қи-лади.

Ўзбекистон Компартияси Тош-кент область комитети ва меҳ-натчилар депутатлари об-ласть Совети ижроия комитети Охангарон шаҳар партия но-митетининг биринчи секретари ўртоқ А. Г. Гуломовга ота-ди.

ИНДЕКС 64697.
Р-01504 В.1764.